

**“Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорлари навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг 4/2022 – сонли
БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

**Навбатдан ташқари умумий
йиғилишнинг ўтказилиш манзили:** Тошкент ш., Паркент к-си 51

**Навбатдан ташқари умумий
йиғилишнинг ўтказилиш вақти:** 2022 йил 17 ноябр, соат 16:00

**Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига
эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган
овозларнинг умумий сони:** 1 596 540 дона

**Умумий йиғилишда иштирок этган
акциядорлар эга бўлган овозларнинг
сони:** 1 234 780 дона

Кворум: 77,34 %

Умумий йиғилиш раиси: Абидов Б.Н.

Ишчи раёсат аъзолари: Зуфарова Н.А., Козоков М.Ф.,
Исламов Т.А.

Умумий йиғилиш котиби: Усмонова Ш.А.

Иштирокчилар:

“Ўзбекэкспертиза” АЖ бош директори в.б. – Григорьянц А.А.;

Бош директор маслаҳатчиси – Камалов Ш.Н.;

Бош бухгалтер – Слюнькова С.А.;

Кадрлар бўлими бошлиғи – Алиева Г.Р.;

Ишлар бошқармаси бошлиғи – Исламов Ж.Х.

Йигилиш бошида “Ўзбекэкспертиза” АЖ корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бошлиги Ш.Усмонова қуйидагиларни маълум қилди:

Мазкур акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, “Ўзбекэкспертиза” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 25 октябрдаги 7/2022-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ, ташкиллаштирилиди.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ Акциядорларининг 2022 йил 30 июндаги 3/2022-сонли умумий йиғилиши баёнига мувофиқ,:

– “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар миқдорини аниқлаш масаласи бўйича қарор қабул қилинмаган;

– Шунингдек, мазкур масала Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг Жамият Кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибига кўриб чиқиш ва кейинчалик тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилишини таъминлаш белгиланган.

Йиғилиш раиси Абидов Б.Н. тингловчиларга 3 (уч) кишилик санок комиссиясини сайлаш зарурлиги тўғрисида маълумот берди.

Санок комиссиясини қуйидаги таркибда сайлаш таклиф этилади:

Эргашев Саидгаффор Сайдаолимович – Корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бошлиги ўринбосари;

Камалова Севара Анваровна – Кадрлар бўлими бош мутахассиси;

Пардаев Фарход Музаффарович – Корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бош мутахассис.

Қўлингизни кўтариш орқали бу масалага овоз беришингизни таклиф қиламан.

Овоз бериш:

Ёқлайман – 100%

Қаршиман – 0%

Бетарафман – 0%

Қарор қабул қилинди:

– 3 (уч) кишилик Санок комиссиясини қуйидаги таркибда сайлансин:

Эргашев Саидгаффор Сайдаолимович – Корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

Камалова Севара Анваровна – Кадрлар бўлими бош мутахассиси;

Пардаев Фарход Музаффарович – Корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бош мутахассис.

Йиғилиш раиси Абидов Б.Н. санок комиссиясидан акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини йиғилишга эълон қилишни сўради.

Санок комиссияси раиси С.С. Эргашевнинг айтишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан 2022 йил 11 ноябр ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши учун тузилган жамият акциядорларининг реестрига кўра, овоз беришда жамиятнинг 1 596 540 дона акцияларга эга 300 та овоз берувчи акциядорлар иштирок этиши мумкин. Акциядорларни рўйхатга олиш якунига кўра, **20 та** акциядорлар, шу жумладан уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатга олинди, улар биргаликда жамиятнинг **1 234 780** та овоз берувчи акцияларига эгаллик қиладилар, бу эса жамиятнинг овоз бериш акцияларининг умумий сонининг **77,34 фоизини** ташкил этади. Ҳисоблаш комиссияси мавжуд кворум туфайли йиғилиш очилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Юқоридагиларга асосланиб, йиғилиш раиси Абидов Б.Н. йиғилишни очик деб ҳисоблашни таклиф қилди.

Сўнгра “Ўзбекэкспертиза” АЖ Бош директори в.б. Григорьянц. А.А. куйидаги таркибда ишчи раёсатни сайлашни таклиф қилди:

Йиллик умумий йиғилиш раиси:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари – **Абидов Бадриддин Нурутдинович;**

Ишчи раёсат аъзолари:

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоси – **Зуфарова Наргиза Алимджановна,**
2. “Ўзинтеримпекс” АЖ бошқарув раиси ўринбосари – **Козоков Мансурбек Фарходович;**
3. “Ўзсаноатэкспорт” АЖ вакили – **Исламов Тургун Адхамович.**

Агар бошқа таклифлар бўлмаса, кўлингизни кўтариш орқали бу масалага овоз беришингизни таклиф қиламан.

Овоз бериш:

Ёқлайман – 100%

Қаршиман – 0%

Бетарафман – 0%

Қарор қабул қилинди:

– таклиф этилган таркибда ишчи раёсатни сайлаш.

Бундан ташқари, умумий йиғилиш раиси Абидов Б.Н. акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котибини сайлаш зарурлигини таъкидлади ва Жамиятнинг корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва Молия бошқармаси бошлиги Усманова Шахноз Алишеровнанинг номзодини таклиф қилди.

Бошқа таклифларингиз борми? Йўқ.

Илтимос, мазкур масала бўйича кўл кўтариш орқали овоз беринг.

Овоз бериш:

Ёқлайман – 100%

Қаршиман – 0%

Бетарафман – 0%

Қарор қабул қилинди:

– акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиби этиб жамиятнинг корпоратив муносабатлар, стратегик прогнозлаштириш ва молия бошқармаси бошлиги Ш.А. Усмонова сайлансин.

Йиғилишнинг барча зарур ишчи органлари сайланиб, барча ўз ўринларини эгаллашга таклиф этилди.

Умумий йиғилиш раиси Абидов Б.Н. акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини эълон қилди:

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қоидаларини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойда тақсимланиши тартибини тасдиқлаш;
3. Жамият ички низомларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш;
4. “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи раҳбари – Жамият бош директорини сайлаш.

Шу билан бирга, умумий йиғилиш раиси Абидов Б.Н. акциядорларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан сайлов бюллетенларида овоз бериш тартиби билан таништирди, шундан сўнг кун тартибидаги масалаларга ўтишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала – “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи раҳбари – Жамият бош директорини сайлаш масаласи бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси Б.Н. Абидовга сўз берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ, “Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган бўлса, жамият ижроия органининг, ишончли бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши” белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 647-сонли Қарорига мувофиқ 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон Қарорига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унга кўра “Устав капитали

(фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилиши” талаби бекор қилинган.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ҳамда “Ўзбекэкспертиза” АЖ “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Жамият бош директорини сайлаш масаласи **Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киради.**

Шу муносабат билан, Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 октябрдаги 6/2022-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ,:

– 2022 йил 17 октябрдан “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи раҳбарининг барча ваколатларини таъминлаган ҳолда Жамият Бош директори вазифаларини вақтинча бажариш Григорьянц Артем Александрович зиммасига юклатилган;

– Мазкур масалани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 январдаги 24/1-3221-сонли топшириғига асосан, Жамиятнинг 2020 йил 25 январдаги 14-к-сонли буйруғига мувофиқ, Григорьянц А.А. Жамият бош директори ўринбосари лавозимига тайинланган.

Григорьянц А.А. бош директор ўринбосари лавозимида ишлаган даврида Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш, “Ўзбекэкспертиза” АЖ ривожланиш стратегияси ва ИТСВ раҳбариятининг кўрсатмаларида белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш, Жамиятнинг монопол бўлмаган хизматларини кенгайтириш, хизмат кўрастиш ҳажми ва соф фойдасини ошириш бўйича салмоқли ишларни оширди.

Бош директор ўринбосари А.А. Григорьянцнинг бевосита назорати остида компаниянинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишга қаратилган қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

– 2020 йилдан бугунги кунгача Жамият хизматларини сотиш ҳажми 2019 йилда - 9,4 млрд. сўмдан 2021 йилга келиб - 23,3 млрд. сўмгача сезиларли даражада ўсди ҳамда 248 фоизни ташкил этди, бу даврда Жамиятнинг соф фойдаси 233 фоизга ошди. Шу билан бирга, монопол бўлмаган хизматлар ҳажми деярли 2 баравар ўсди;

– аризаларни электрон қабул қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш кўзда тутилган, икки томонлама (ариза берувчи-ижрочи) масофадан назорат тамойили асосида ишловчи **ягона электрон автоматлаштирилган тизим (EИС EXPERTIZA ALL)** ишлаб чиқилди;

– Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилишда **ЕИ билан маъмурий ҳамкорлик йўлга қўйилди;**

– Товарни келиб чиқишини тасдиқлаш ЕИнинг экспорт қилувчиларни рўйхатга олиш тизими (**REX**) да белгиланган тартибда рўйхатга олиш орқали амалга ошириш (сертификат расмийлаштирилмайди) жорий қилинди;

– Жамиятнинг **Синов комплекси ва маҳсулотларни сертификатлаш органи аккредитацияни қўлга киритди ва аккредитация доираси барча маҳсулот турлари бўйича кенгайтирилди;**

– ва ҳ.к. (Амалга оширилган ишлар бўйича тўлиқ маълумот илова қилинади).

А.А. Григорьянцнинг объективка маълумотлари илова қилинади.

Абидов Б.Н.: “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи раҳбари – Жамият бош директорини сайлаш масаласи юзасидан бошқа саволлар борми? Агар йўқ бўлса, илтимос, ушбу масала бўйича бюллетенга овоз беринг.

Овоз бериш:

ёқлайман		қаршиман		бетарафман	
Овозлар микдори	%	Овозлар микдори	%	Овозлар микдори	%
1 234 780	77,34	-	-	-	-

Қарор қабул қилинди:

– 2022 йил 17 ноябрдан “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органи раҳбарининг барча ваколатларини таъминлаган ҳолда Жамият Бош директори вазифасини бажарувчи лавозимиغا Григорьянц Артем Александрович сайлансин;

– Жамият Кузатув кенгаши раисига белгиланган тартибда Жамият Ижроия органи раҳбари билан қонунчиликда белгиланган муддатга меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи берилсин.

Абидов Б.Н.: Шу билан “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган барча масалалар кўриб чиқилди, йиғилиш юзасидан бошқа қўшимча фикр-мулоҳазалар келиб тушмади.

Овоз бериш натижалари белгиланган тартибда 10 кун ичида акциядорлар эътиборига етказилади.

Шу билан “Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилишга ижозат бергайсиз.

Умумий йиғилиш котиби



Ш. Усмонова

Мазкур баён 2022 йил «27» ноябрда, иловалари бидан қўшганда 47 варақда, шунингдек икки нусхада имзоланди.

Григорьянц Артем Александрович

Паспорт № АА 182 28 63

Берилган: Тошкент ш.,

Юнусобод тумани ИИБ, 11.06.2013й.

Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани,

Авлиё ота – Нукус кўчаси, 34 уй

СТИР: 468 364 061